“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ: 2026 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

// 03.11.2026
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-2026-yilning-9-oyida-sanoat-ishlab-chiqari



2026 йилнинг январь–сентябрь ойларида ”Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **20,7 трлн сўмни** ташкил этди. Бу белгиланган режага нисбатан **114,3 фоиз, ўтган** йилнинг мос даврига нисбатан эса **110,2 фоиз ўсишни таъминлади**.

Ҳисобот даврида жами **1 051,9 минг тонна минерал ўғит** ишлаб чиқарилди.

Жумладан:

- 809,7 минг тонна азотли ўғит;
- 85,4 минг тонна фосфорли ўғит;
- 156,9 минг тонна калийли ўғит

Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бошқа турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ҳам ўсиш қайд этилди.

Хусусан, автомобиль шиналари ишлаб чиқариш **146 минг донага,** конвеер лентаси **16 минг погон метрга,** суперфосфат **113 минг** тоннага, каустик сода 8 минг тоннага ҳамда **ПВХ 11 минг** тоннага ошди.

Мазкур кўрсаткичлар ”Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этаётганини кўрсатади.